

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РУЗИЕВ АХТАМ ЭРГАШОВИЧ

НОСПЕЦИФИК ЯРАЛИ КОЛИТДА ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИДАН
КЕЙИНГИ ДАВРДАГИ КОМПЛЕКС ЛИМФА ТЕРАПИЯ

14.00.27 – Хирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рузиев Ахтам Эргашович

Носпецифик ярали колитда жарроҳлик амалиётидан кейинги даврдаги
комплекс лимфа терапия.....5

Рузиев Ахтам Эргашович

Комплексная лимфатическая терапия при неспецифическом язвенном колите
в послеоперационном периоде.....23

Ruziev Akhtam Ergashovich

Complex lymphatic therapy for unspecific ulcerative colitis in the postoperative
period.....45

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ

Lists of published works 49

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РУЗИЕВ АХТАМ ЭРГАШОВИЧ

НОСПЕЦИФИК ЯРАЛИ КОЛИТДА ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИДАН
КЕЙИНГИ ДАВРДАГИ КОМПЛЕКС ЛИМФА ТЕРАПИЯ

14.00.27 – Хирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.2.PhD/Tib987 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институти ва Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Эгамов Юлдашали Сулайманович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Земляной Вячеслав Петрович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Лигай Руслан Ефимович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот

Москва давлат тиббий-стоматология университети
(Россия Федерацияси)

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри. А. Навоий шоҳ кўчаси, 1- уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhme@mail.ru.)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Н. Ачилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Н.А. Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида «...носпецифик ярали колит билан касалланиш 100 минг аҳолига 50 – 80 кишини ташкил қилади. Касаллик кўрсаткичининг юқори чўққиси 20 ёшдан 40 ёшгача бўлган беморларда кузатилади»¹. Йўғон ичакнинг яллиғланиш касалликлари тарқалишининг ўсиши даражаси ҳозирги вақтда ушбу тоифадаги беморларга, шу жумладан носпецифик ярали колит билан оғриган беморларга ихтисослашган ва такомиллаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишга нисбатан устун бўлиб бормоқда. Бу касаллик тизимли токсик реакцияларнинг кучайишига ва ичаклар томонидан асоратланишларга сабаб бўлиши мумкин: қон кетиш, ичакнинг токсик кенгайиш ва тешилиш. Шу сабабли носпецифик ярали колитни операциядан кейинги даврда комплекс самарали даволашда – лимфатик усуллардан фойдаланиш устувор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳон миқёсида ичакнинг яллиғланиш касалликлари, жумладан носпецифик ярали колитларни комплекс ташхислаш ва даволаш жараёнида операциядан кейинги давр асоратланишларининг олдини олишда маҳаллий гомеокинез ва микроциркуляцияни яхшиловчи илмий асосланган дастурларни ишлаб чиқишни талаб этади. Носпецифик ярали колитларни этиопатогенетик даволаш чора-тадбирларини амалга оширишга йўналтирилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Соғлиқни сақлашда хусусан, ичак яллиғланиш касалликларининг глобал муаммоларидан бири носпецифик ярали колитни этиопатогенези ва даволаш масалаларини ўрганишни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш бўйича кенг қамровли, мақсадли чоралар кўрилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «...аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, аҳолида соғлом турмуш тарзини шакллантириш»²га йўналтирилган муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазиваларни амалга оширишда, айниқса, ярали колит билан оғриган беморларни даволаш сифатини яхшилашда, турли хил янги жарроҳлик ва консерватив даволаш усулларидан фойдаланган ҳолда ижобий натижаларга эришиш кўзда тутилган ва бунга ҳозирги кунда эришилмоқди. Аммо тиббий ёрдам тизимини такомиллаштиришда ушбу соҳа мутахассислари учун муҳим муаммо бўлган носпецифик ярали колитни консерватив ва жарроҳлик йўли билан даволашда қўлланиладиган янги усулларнинг самарадорлигини баҳолаш учун илмий асосланган натижалар зарур.

¹ Ватутин Н.Т., Шевелёк А.Н., Карапыш В.А., Василенко И.В. Неспецифический язвенный колит // Архив внутренней медицины. – 2015. – № 4(24). – С.62-65.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // www.lex.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ичакнинг яллиғланиш касалликлари, шу жумладан носпецифик ярали колит, абдоминал хирургиянинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирги замон маълумотларига кўра, бутун дунё аҳолисининг тахминан 0,3 - 0,4%и носпецифик ярали колитдан азият чекади (Ивашкин В.Т. 2017). Уларнинг 10-30% операция қилинадиган беморлар бўлиб, ўсиш тенденциясига эга (Исаханов Г.И., 2020).

Аутоиммун этиологияга эга бўлиб, ўзига хос бўлган яллиғланиш билан кечадиган носпецифик ярали колитларда кузатиладиган «дори-дармонларга резистентлик» беморлар ўлимига сабаб бўлиши мумкин (Тимербулатов М.В. 2013). Шунинг учун носпецифик ярали колит билан касалланишнинг кўпайиши муқаррар равишда операцияга муҳтож беморларнинг мутлақ сонини ошишига олиб келади.

Ҳозир кунгача режали операциядан кейинги эрта асоратланишларнинг кўрсаткичи носпецифик ярали колитда 10% га, кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда эса 60-80% гача етади ва бунда ўлим ҳолати 12% дан 50% гача боради (Наврузов С.Н.2018). Шу сабабли носпецифик ярали колитни комплекс даволашнинг самарадорлигини оширишда янги усуллардан фойдаланиш катта амалий аҳамият касб этади.

Носпецифик ярали колитнинг клиник ва морфологик белгилари яхши ўрганилганлигига ва адабиётларда батафсил ёритилганига қарамай, унинг этиологик омиллари ва патогенезидаги ўрганилмаган томонлари мавжуд бўлиб, ушбу касалликнинг этиопатогенетик даволаш усуллари ҳозирги кунга қадар номаълум бўлиб қолмоқда (Ивашкин В.Т. 2017).

Антибиотикотерапиянинг самарадорлигини ошириш ва иммунитетни коррекциялаш усуллари билан бу лимфа тизимида дори воситаларини киритишдир (Джумабоев С.У. 1987). Аммо носпецифик ярали колитларда

эндолимфатик терапия айрим ҳолатларда ва фақат асоратланишлар бўлганида қўлланилган (Эмирасланов Ф.Л., 2017).

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтида «Қорин бўшлиғи органларининг ўткир жарроҳлик касалликларини ташхислаш, даволаш ва олдини олишда илғор технологияларни ишлаб чиқиш» ПЗ-201809077 – сон илмий тадқиқот ишларининг режаси доирасида бажарилган (2018-2020 йй).

Тадқиқотнинг мақсади носпецифик ярали колит билан оғриган беморларда операциядан кейинги давр асоратланишларини олдини олиш ва даволаш натижаларини яхшилашда қорин бўшлиғидаги регионал гомеокинезни тартибга солувчи эндомезентериал лимфатик терапияни қўллаш усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

носпецифик ярали колит патогенези механизмларини исботловчи тажрибаоти ҳайвонларида меъёрий ҳолатда ичак тутқичи ва ичак деворларидаги регионал лимфа оқимининг ҳолатини экспериментда аниқлаш;

тажрибаоти ҳайвонларида эксперимент шароитида ярали колит моделини ишлаб чиқиш;

яратилган ярали колит моделида ичакдаги регионал лимфа айланишидаги ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятларини баҳолаш ва шу билан бирга лимфотроп терапиянинг самарадорлигини аниқлаш;

носпецифик ярали колит билан асосий гуруҳдаги беморларда операциядан кейинги даврда қўлланилган эндомезентериал лимфотроп терапиянинг назорат гуруҳидаги беморларга нисбатан самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2009 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда Андижон давлат тиббиёт институти клиникасида текширилган ва операция усулида даволанган 95 нафар беморлар, эксперимент тадқиқот ишлари учун эса 24 нафар тажрибаоти ҳайвонлари – итлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида носпецифик ярали колитда операциядан кейинги давр асоратланишларини келтириб чиқарадиган омилларни баҳолаш ва олдини олиш жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий клиник, лаборатор, инструментал, статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

тажрибаоти ҳайвонларда ярали колит экспериментал модели яратилган ва носпецифик ярали колитда клиник патогенетик ўзгаришларни келиб чиқиш механизмлари аниқланган;

экспериментал модел ёрдамида ошқозон-ичак тизимида бўладиган патологик ўзгаришлар натижасида юзага келадиган ичак тутқичи ва

деворларидаги микролимфа томирларидаги морфологик ўзгаришлар микролимфоциркуляциянинг таъсир этиши аниқланган;

носпецифик ярали колитни операциядан кейинги даврда комплекс даволашда қўлланилган эндомезентериал лимфатроп терапия усулининг ичаклар тизимидаги регионал гомеокинезни тартибга солишда афзаллик томонлари мавжудлиги аниқланган;

носпецифик ярали колитни операциядан кейинги даврда комплекс даволашда эндомезентериал лимфатроп терапия усулини қўллаш ривожланиши мумкин бўлган ичак асоратланишларининг олдини олиши, ўлим ҳолатларини ва бемор шифохонадаги ётоқ кунларининг қисқаришига олиб келиши аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйдагилардан иборат:

экспериментал тадқиқотда қорин бўшлиғи аъзолари лимфа тизимини морфологик ўрганиш шуни кўрсатдики, мезентериал томирлар ва йўғон ичакнинг лимфа тугунларида лимфомикроциркуляция, маҳаллий микролимфа томирлар фаолиятидаги бузилишлар носпецифик ярали колитнинг операциядан кейинги давр асоратланишларнинг ривожланишида катта аҳамият касб этувчи механизмлар эканлиги аниқланган;

экспериментда, тажрибаоти ҳайвонларида ярали колит моделини ишлаб чиқиш орқали ярали колитнинг ривожланиш босқичларида ичаклар девори ва тутқичларидаги лимфа тизимининг ролини юқори аҳамиятга эга эканлиги аниқланган;

операциядан кейинги даврда носпецифик ярали колит билан касалланган беморларни даволаш комплексида эндомезентериал лимфотроп терапиянинг қўлланилиши ошқозон-ичак тракти фаолияти тикланишини тезлаштириши ва ичаклар томонидан кузатилиши мумкин бўлган асоратланишларнинг ривожланишига йўл қўймаслиги аниқланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тадқиқот объектлари сони етарлилиги, клиник, инструментал (колоноскопия, ирригография, рентгенография), статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, олинган натижаларнинг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар натижалари билан таққосланганлиги, ҳамда хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти экспериментда меърий шароитда ва ярали колит модели шароитида ичак тутқичи ва девори лимфа оқимидаги фарқларнинг илмий асосланган тизими ишлаб чиқилган бўлиб, бу ярали колитларда операциядан кейинги даврда маҳаллий микроциркуляциянинг бузилиши натижасида ичак томонидан кузатилиши мумкин бўлган асоратланишларнинг ривожланишини тушунтиради ва носпецифик ярали колитни комплекс даволашнинг патофизиологик асоси бўлган лимфологик

тамоийилларнинг хусусиятларини аниқлашга доир билимларни бойитишга муҳим ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти носпецифик ярали колитни комплекс текшириш ва даволаш алгоритминини ишлаб чиқиши ва операциядан кейинги давр асоратланишларининг олдини олишга қаратилган лимфотроп терапия усулини қўллаш натижаларидан келиб чиққан ҳолда, ушбу янги усулни ичакларда бажариладиган катта ҳажмли операциялардан кейинги даврда қўллашни кенгайтириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Носпецифик ярали колитни комплекс даволашда операциядан кейинги даврда эндомезентериал лимфотроп терапияни қўллаш орқали асоратланишларининг олдини олишдаги натижаларни яхшилаш бўйича олинган илмий хулосалар асосида:

операциядан кейинги даврда носпецифик ярали колитнинг даволаш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган «Операциядан кейинги даврда носпецифик ярали колитнинг комплекс терапияси» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 23 ноябрдаги 8н-р/460-сонли маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар операциядан кейинги даврда ичак асоратланишларининг олдини олиш орқали носпецифик ярали колит билан касалланган беморларни хирургик даволашни самарадорлигини ва сифатини оширишга имкон берган;

носпецифик ярали колитни лимфатик даволаш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган «Носпецифик ярали колитни лимфатик даволаш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 31 декабрдаги 8н-р/679-сонли маълумотномаси). Услубий тавсиялар операциядан кейинги даврда ярали колит билан касалланган беморларни даволаш натижаларини яхшилашга, асоратланишларнинг олдини олишга ёки кескин камайтиришга хизмат қилган;

носпецифик ярали колит билан касалланган беморларни операциядан кейинги даврда комплекс лимфотроп даволаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Андижон, Бухоро, Наманган вилоятлари кўп тармоқли тиббиёт марказларининг, шунингдек, Андижон давлат тиббиёт институти клиникасининг амалий фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 26 июндаги 08-09/6578-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг клиник амалиётга жорий қилиниши носпецифик ярали колит билан операциядан кейинги комплекс даволашда лимфотроп усулни қўллаш орқали ичак асоратланишларининг олдини олиш ёки кескин камайтириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг таркиби ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 102 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ифодаланган, илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси ва чоп этилган илмий ишлар, диссертациянинг ҳажми ва таркиби тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Носпецифик ярали колитнинг этиопатогенези ва даволашнинг долзарб ҳолати: адабиётлар шарҳи»** деб номланган, бу бобда ушбу муаммонинг ҳозирги ҳолати, олдини олишнинг турли хил ёндашувлари, уларни маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг замонавий маълумотларига солиштирган ҳолда баҳолаш ёритилган. Адабиётлар таҳлили натижасида ушбу муаммо бўйича ҳал этилмаган вазифалар аниқланган.

Диссертациянинг икинчи боби **«Тажрибаости ҳайвонларида экспериментал тадқиқот ишларини олиб бориш, ярали колит моделини яратиш»** деб номланган бўлиб, унда тажрибаости ҳайвонларига хос хусусиятлар келтирилган. Экспериментал тадқиқотлар жараёнида тажрибаости ҳайвонларида меъёрий ҳолатда ва ярали колит модели яратилгандан кейин ичак тутқичи лимфа тизимининг ҳолати, шунингдек, ярали колитнинг яратилган модели фонида лимфотроп терапиянинг самарадорлиги аниқланганлиги батафсил баён қилинган.

Тажрибаости ҳайвонларида эксперимент ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Этик қўмитасининг рухсати олинган (2020 йил 26 августдаги 4-сонли баённома).

Тажрибалар виварийда сақланган тажрибаости итларида амалга оширилган. Тажрибалар ўтказиш учун тажрибаости итларидан ҳар бирида 8 тадан 4 та гуруҳ ташкил этилган, бунда тажрибаости итларнинг тана вазни 11-17 кг, ёши 2,5- 3,5 ни ташкил қилган.

Ичак лимфа тизими меъёрий ҳолатини экспериментал ўрганиш усули. Экспериментлар кўк рангли Эванс бўёғи эритмасини тажрибаости ҳайвонларнинг ичак тутқичидан сўрилишига асосланган. Тажрибаости итлар Андижон давлат тиббиёт институти Марказий илмий-тадқиқот лабораторияси шароитида операция қилиниб, ингичка ичак тутқичининг учта нуктасидан: илдиз, ўрта қисми, ичакнинг чекка қисми ва ичак девори

субсероз қисмига 0,1 мл миқдорида Эванс кўк бўёғининг 0,1% эритмаси инъекция усулида юборилган. Эванс бўёғи юборилган вақтдан бошлаб, унинг сўрилиш вақти визуал тарзда, уларнинг ранги тўлиқ йўқолгунича аниқлаш учун секундомер ўрнатилган (1-жадвал).

1-жадвал

Меъёрий ҳолатда Эванс бўёғини ичак тутқичида сўрилиш вақти

Эванс бўёғини киритиш нуқталари ва сўрилиш вақти			
Ичак тутқичи илдиз қисми	Ичак тутқичи ўрта қисми	Ичак тутқичининг ичак деворига яқин қисми	Ичак девори субсероз қисми
3 дақ.31 сон. ± 7 сон.	3 дақ. 54 сон. ± 8 сон.	4 дақ.19 сон. ± 6 сон.	4 дақ. 30 сон. ± 7 сон.

1-жадвалдан кўриниб турибдики, ичак тутқичининг турли нуқталарида Эванс бўёғининг сўрилиш вақти бир хил эмас.

Тажрибаости ҳайвонларида ичак тутқичи лимфа тизими меъёрий ҳолати аниқлагандан кейин, ярали колит моделини яратиш ва унинг фонидида ичак тутқичи лимфа тизими ҳолатини, лимфотроп терапиянинг самарадорлиги натижалари аниқланди. Бунинг учун бир қатор экспериментлар амалга оширилган. Экспериментда ярали колитни моделлаштириш учун сирка кислотасидан фойдаланилган.

Адабиёт манбаларига асосланиб (Осиков М.В., 2016), экспериментда ярали колитни моделлаштиришда сирка кислотасининг 4%, 6% ва 7,5% эритмаларидан фойдаланган.

Тажрибаости итларнинг ичаклари тозаловчи ҳукна ёрдамида ювиб тозалангандан кейин, махсус дренаж воситаси орқали йўғон ичакнинг бўшлиғига анус сфинктеридан 18-20 см масофада 2,0 мл 4% сирка кислота эритмаси секинлик билан юборилган. Эритманинг бир текис тақсимланишини таъминлаш учун тажрибаости итнинг орқа оёқлари бир дақиқа давомида юқорига вертикал кўтариб турилган. Кейин эса 1,0 литр 0,9% физиологик эритма билан ичак бўшлиғи ҳукна ёрдамида ювилган. Уларнинг ҳолати 5 кун давомида кузатилган. Аммо ярали колитга хос бўлган клиник симптомлар аниқланмаган. Шунга қарамай, тажрибаости итлар 7-куни марказий илмий тадқиқот лабораториясида операция қилинган. Афсуски, операция даврида йўғон ичакнинг аниқ патологик ўзгарган соҳалари визуал топилмаган. Шунга қарамай, йўғон ичакнинг 4% сирка кислотаси юборилган қисми резекция қилинган.

Микроскоп остида гистологик текшириш пайтида йўғон ичакнинг резекция қилинган қисми шиллик қаватида аниқ патологик ўзгаришлар аниқланмаган. 4% сирка кислота эритмаси ёрдамида ярали колитни моделлаштириш натижа бермагани.

Учинчи сериядаги тажрибада 4% сирка кислота эритмаси 6% ли эритма билан алмаштирилган. Тажрибаларнинг иккинчи сериясидаги барча

муолажалар учинчи сериядаги экспериментларда ҳам такрорланган, фақат 4%ли сирка кислота эритмаси ўрнига 6%ли 1,0 мл эритмадан фойдаланилган. Тажрибаости итлар ҳолати кузатилганда учинчи кундан бошлаб интоксикациянинг кичик клиник белгиларидан ҳисобланган шилимшиқли диарея пайдо бўлган, бошқа клиник белгилар кузатилмаган. Муолажаларнинг 7-кунида тажрибаости итлар операция қилинган. Операция вақтида йўғон ичак девори бироз шишганлиги аниқланган, яллиғланишга хос бўлган бошқа белгилар топилмаган. Йўғон ичакнинг шу қисми резекция қилинган.

Микроскоп остида гистологик текширувда йўғон ичак шиллик қаватида аҳамиятсиз некротик қисмлар аниқланган, бошқа патологик ўзгаришлар аниқланмаган.

4% ва 6% сирка кислота эритмаси ёрдамида ярали колитни моделлаштириш тадқиқот натижалари қониқтирмаган. Шу сабабдан ярали колит моделини яратиш учун сирка кислотасининг 7,5% эритмасидан фойдаланишга қарор қилинган.

Тўртинчи серия тажрибаларда сирка кислотасининг 7,5% ли эритмасидан фойдаланилган. Бунда 0,5 мл миқдордаги 7,5% ли сирка кислота эритмаси йўғон ичакка олдинги серияларда кўрсатилгандай кирситилган ва унинг экспозицияси 15-20 сонияни ташкил қилган. Тажрибаости итларининг ҳолати кузатилганда, иккинчи кундан бошлаб ярали колитга хос бўлган клиник белгилар намоён бўла бошлаган: шилимшиқ ва қон аралаш диарея, бадан ҳароратининг кўтарилиши, апатия, иштаҳасизлик. Муолажанинг 7-куни тажрибаости итлар операцияга олинган. Операция вақтида йўғон ичак девори сезиларли даражада шишганлиги, томирлар гиперемияга учраганлиги, яллиғланишга хос бўлган белгилар аниқланган. Интраоперацион ярали колит фониди ичак тутқичининг лимфа тизими ҳолатини баҳолаш учун Эванс бўёғининг сўрилиш вақти аниқланган. Бунинг учун ичакнинг яллиғланган қисми тутқичи билан жароҳатга чиқарилган ва ичак тутқичининг учта қисмига: илдиз, ўрта қисми, ичакка яқин қисми ва қўшимча равишда ичак деворига субсероз 0,1% Эванс бўёғи 0,1 мл.дан юборилган. Эванс бўёғининг сўрилиши секундомер орқали аниқланган (2-жадвал).

2-жадвал

Эванс бўёғини ярали колит моделида ичак тутқичидан сўрилиш вақти

Эванс бўёғини киритиш нуқталари ва сўрилиш вақти			
Ичак тутқичи илдиз қисми	Ичак тутқичи ўрта қисми	Ичак тутқичининг ичак деворига яқин қисми	Ичак девори субсероз қисми
6 дақ.43сон. ±11сон.	7дақ.33сон. ±12сон.	8дақ.39сон. ±11сон.	8дақ.59сон. ±14сон.

2-жадвалдан шуни кўриш мумкинки, ярали колит фониди Эванс бўёғини сўрилиши меъерий ҳолатга нисбатан 2 марта ва ундан кўпроқ вақтга узайган.

Тажрибаости итларида ярали колитнинг яратилган модели фониди лимфотроп терапиянинг самарадорлиги аниқланган. Бунинг учун тўртинчи сериядаги экспериментларда қатнашган тажрибаости итлари иккита гуруҳга бўлинган. Биринчи гуруҳ назорат, иккинчиси эса асосий гуруҳ бўлган. Биринчи гуруҳ тажрибаости итларининг ичак тутқичига фақат физиологик эритма (0,9% натрий хлорид эритма) 2,0 мл миқдорида юборилган ва 10-15 дақиқадан сўнг 0,1 мл Эванс бўёғининг 0,1%ли эритмаси ичак тутқичига қайта юборилган. Секундомер ёрдамида унинг сўрилиш вақти аниқланган.

Асосий гуруҳга киритилган тажрибаости итларнинг ичак тутқичига, назорат гуруҳидан фарқли ўлароқ, ичак лимфа тизимини стимуляция қилиш учун 2000 бирлик гепарин ва 2,0 мл миқдорида физиологик эритма аралашмаси (0,9% натрий хлорид) юборилган. 10-15 дақиқадан кейин 0,1 мл Эванс бўёғининг 0,1% эритмаси ичак тутқичига қайта юборилган ва бўёқнинг сўрилиш вақти секундом ёрдамида аниқланган (3-жадвал).

3-жадвал

Ярали колит модели фониди Эванс бўёғи сўрилиши

Ярали колит модели фониди Эванс бўёғи сўрилиши натижалари				
Эванс бўёғини киритиш нуқталари ва бўёқни сўрилиш вақти	Ичак тутқичи илдиз қисми	Лимфостимуляция қилинмасдан (назорат гуруҳи)	Лимфостимуляция қилингандан кейин (асосий гуруҳ)	Тезлашув %
		6 дақ.39 сон±10 сон.	4 дақ.02 сон±10 сон.	36,2±1,4
	Ичак тутқичи ўрта қисми	7 дақ. 21сон. ± 21сон.	4 дақ. 32 сон.±7 сон.	40,1±2,8
	Ичак тутқичининг ичакка яқин қисми	8 дақ.35 сон.±13 сон.	5 дақ.02 сон.±14 сон.	39,9±1,3

Олинган натижалар лимфотроп терапиянинг самарадорлигини кўрсатади. Бунинг сабаби лимфостимуляция натижасида ичак ва ичак тутқичи лимфа тизимида дренаж фаолияти яхшиланган, бу эса лимфа томирларидаги лимфостазни олдини олган. Барча муолажалар тугагандан кейин йўғон ичак резекция қилинган. Микроскоп остида гистологик текширганда ичак шиллик қаватида кўплаб некротик ўчоқлар борлиги аниқланган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Носпецифик ярали колит билан беморларда клиник тадқиқотларни олиб бориш**» деб номланган бўлиб, унда носпецифик ярали колитнинг беморларда кечувчи клиник хусусиятлари

берилган ва уларни даволаш воситалари, усуллари, клиник-лаборатор ва инструментал текшириш усуллари баён этилган.

Тадқиқотнинг клиник қисми операциядан кейинги даврда носпецифик ярали колит билан беморларни комплекс даволашда эндомезентериал лимфотроп терапияни қўллашга асосланган. 2009 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда Андижон давлат тиббиёт институти клиникасининг колопроктология бўлимига носпецифик ярали колит билан ётқизилган ва хирургик усулда даволанган 95 нафар беморнинг касаллик тарихи таҳлил қилинган. Операциядан олдин барча беморлар клиник, инструментал ва лаборатор тадқиқот усуллари ўз ичига олган текширувлардан ўтказилган.

Беморни касалхонага ётқизиш вақтида инструментал текширув алгоритми қуйидагича бўлган: колоноскопия, ирригография, ультратовуш текшируви, эзофагогастродуоденоскопия.

Беморнинг аҳволи оғир бўлиб, касалхонага шошилиш ётқизиш вақтида инструментал текширув алгоритми қисқартирилган: колоноскопия, қорин бўшлиғи аъзоларининг оддий рентгенографияси, фиброгастродуоденоскопия.

Патоморфологик текширув. Тадқиқотлар жараёнида олинган макропрепаратлар Андижон давлат тиббиёт институти клиникасининг патоморфология лабораториясида текширилган. Гистологик текширишлар ёруғлик микроскопи ёрдамида амалга оширилган.

Клиник тадқиқотга жалб қилинган 95 нафар беморлар икки гуруҳга бўлинган. Биринчи гуруҳ – назорат гуруҳи бўлиб (n=42), уларга операциядан кейинги даврда анъанавий даволаниш усули қўлланилган. Иккинчи – асосий гуруҳга (n=53) киритилган беморларга операциядан кейинги даврда комплекс даволаш қўшимча эндомезентериал лимфотроп терапияни қўллаш билан тўлдирилган.

Тадқиқотдаги барча беморлар жинси ва ёшига кўра бўлинган (4-жадвал).
4-жадвал

Беморларнинг жинси ва ёшига қараб тақсимланиши (n=95)

Ёши	Беморлар сони		Жами	
	Эркаклар	Аёллар	Мутлақ	%
16 - 20	1	2	3	3,2
21 - 30	14	14	28	29,5
31 – 40	14	15	29	30,5
41 – 50	10	12	22	23,2
51 – 60	6	5	11	11,5
> 60	1	1	2	2,1
Жами:	46	49	95	100

Жадвалдан кўриниб турибдики, беморларнинг кўпчилиги аёллар - 49 (51,6%), 46 (48,2%) эркаклар.

Носпецифик ярали колитнинг ўртача ва оғир шакллари билан беморларнинг ҳолатини баҳолаш клиник, лаборатор, эндоскопик,

рентгенологик, морфологик тадқиқот усулларига асосланган. Беморларда носпецифик ярали колитни характерловчи клиник белгилар I гуруҳ учун 5-жадвал ва II гуруҳ учун 6-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

I гуруҳдаги беморларда НЯКнинг клиник намоён бўлиши

Клиник белгилар	Клиник симптомларнинг учраши					
	Ўрта оғир шакли (n = 18)		Оғир шакли форма (n = 24)		Умумий сони (n =42)	
	Мутлақ	%	Мутлақ	%	Мутлақ	%
Нажас частотаси: кунига 3 мартагача	-	-	-	-	-	-
3-7 марта бир кунда	2	11,1	1	4,2	3	7,2
7-10 марта бир кунда	13	72,2	1	4,2	14	33,3
кунига 10 мартадан кўп	3	16,7	22	91,6	25	59,5
Нажасда қон:						
оз миқдорда	6	33,3	-	-	6	14,3
кўп миқдорда	12	66,7	24	100	36	85,7
Бемор аҳволи:						
ўртаоғир	12	66,7	2	8,3	14	33,3
оғир	6	33,3	22	91,7	28	66,7

6-жадвал

II гуруҳдаги беморларда НЯКнинг клиник намоён бўлиши

Клиник белгилар	Клиник симптомларнинг учраши					
	Ўртаоғир шакли (n = 18)		Оғир шакли форма (n = 24)		Умумий сони (n =42)	
	Мутлақ	%	Мутлақ	%	Мутлақ	%
Нажас частотаси: кунига 3 мартагача	-	-	-	-	-	-
3-7 марта бир кунда	2	9,5	-	-	2	3,8
7-10 марта бир кунда	14	66,7	4	12,5	18	33,9
кунига 10 мартадан кўп	5	23,8	28	87,5	33	62,3
Нажасда қон:						
оз миқдорда	6	28,6	-	-	6	11,3
кўп миқдорда	15	71,4	32	100	47	88,7
Бемор аҳволи:						
ўртаоғир	18	85,7	4	12,5	22	41,5
оғир	3	14,3	28	87,5	31	58,5

Беморларни клиникага қабул жараёнида олиб борилган лаборатория тадқиқотларининг натижалари 7-жадвал ва 8-жадвалларда келтирилган.

НЯКнинг оғир шакли яллиғланиш жараёнининг қондаги сезиларли ўзгаришлар фонида оғир анемия билан ажралиб турган.

Жадваллардан кўришиб турибдики, беморлар қони таркибида сезиларли ўзгаришлар мавжуд бўлиб, бунга асосий касалликнинг оғирлиги ва унинг асоратлари туфайли танадаги ўзгаришлар, ҳамда қўшимча касалликларнинг борлиги сабаб бўлган.

7-жадвал

I гуруҳ беморларининг қон таркиби кўрсаткичлари

Лаборатория кўрсаткичлари	НЯКда кўрсаткичларнинг учраш частотаси					
	Ўрта оғир шакли (n = 18)		Оғир шакли (n = 24)		Умумий сони (n = 42)	
	Мутлақ	%	Мутлақ	%	Мутлақ	%
ЭЧТ (мм/с):						
< 25 мм/с.	10	55,6	12	50	22	52,4
26-35 мм/с.	5	27,8	7	29,2	12	28,6
> 35 мм/с.	3	16,6	5	20,8	8	19,0
Гемоглобин:						
110 – 119 г/л.	3	16,7	3	12,5	6	14,3
100 – 109 г/л.	7	38,9	4	16,7	11	26,2
90 – 99 г/л.	5	27,8	10	41,6	15	35,7
< 90 г/л.	3	16,6	7	29,2	10	23,8
Лейкоцитоз:						
< $11 \times 10^9/л$	13	72,2	14	58,3	27	64,3
> $11 \times 10^9/л$	5	27,8	10	41,6	15	35,7

8-жадвал

II гуруҳ беморларининг қон таркиби кўрсаткичлари

Лаборатория кўрсаткичлари	НЯКда кўрсаткичларнинг учраш частотаси					
	Ўртаоғир шакли (n = 18)		Ўртаоғир шакли (n = 18)		Ўртаоғир шакли (n = 18)	
	Мутлақ	%	Мутлақ	%	Мутлақ	%
ЭЧТ (мм/с):						
< 25 мм/с.	10	55,6	12	50	22	52,4
26-35 мм/с.	5	27,8	7	29,2	12	28,6
> 35 мм/с.	3	16,6	5	20,8	8	19,0
Гемоглобин:						
110 – 119 г/л.	3	16,7	3	12,5	6	14,3
100 – 109 г/л.	7	38,9	4	16,7	11	26,2
90 – 99 г/л.	5	27,8	10	41,6	15	35,7
< 90 г/л.	3	16,6	7	29,2	10	23,8
Лейкоцитоз:						
< $11 \times 10^9/л$	13	72,2	14	58,3	27	64,3
> $11 \times 10^9/л$	5	27,8	10	41,6	15	35,7

НЯКнинг йўғон ичак қисмларидаги жойлашувига кўра беморлар қуйидаги гуруҳларга ажратилган (9- ва 10-жадваллар).

Хирургик даволаш: эндомезентериал лимфотроп терапия учун ичак тутқичини катетеризация қилиш. Асосий гуруҳга киритилган (n=53) беморларга операциядан кейинги даврда лимфотроп терапияни амалга ошириш учун операция вақтида, операциянинг асосий қисми тугагандан кейин, ичак тутқичига - эндомезентериал 4,0-4,5 см чуқурликда, биз томондан ихтиро қилинган (ихтиро: 1991 йил 17 апрель Н4928655/14-32501) поливинилхлорид катетери ўрнатилган.

9-жадвал

НЯКни жойлашув ўрни бўйича беморларни тақсимлаши (I гуруҳ n=42)

Жойлашув ўрни	НЯК шакли		Жами	
	Ўртағир	Оғир	Мутлақ	%
Дистал колит	3	4	7	16,7
Чап томонлама колит	6	8	14	33,3
Ўнг томонлама колит	1	1	2	4,8
Субтотал колит	4	5	9	21,4
Тотал колит	4	6	10	23,8
Жами:	18	24	42	100

10-жадвал

НЯКни жойлашув ўрни бўйича беморларни тақсимлаши (II гуруҳ n= 53)

Жойлашув ўрни	НЯК шакли		Жами	
	Ўртағир	Оғир	Ўртағир	Оғир
Дистал колит	2	2	4	7,6
Чап томонлама колит	11	15	26	49,1
Ўнг томонлама колит	2	3	5	9,4
Субтотал колит	2	4	6	11,3
Тотал колит	4	8	12	22,6
Жами:	21	32	53	100

Худди шу кун, операциядан кейин, эндомезентериал ўрнатилган катетер орқали ичак тутқичига 4-5 кун давомида, гемиколэктомиядан кейин кунига 1 маҳалдан, субтотал ёки тотал колэктомиядан кейин кунига 2 маҳалдан лимфотроп терапия амалга оширилган: аввал, лимфа тизимини рағбатлантириш (стимуляция) учун глюкоза 5% - 50 мл + новокаин 0,5% - 50 мл эритмасига 5000 гепарин ёки лазикс 1,0 мл қўшиб, аста-секин 40-60 дақиқа давомида юборилган. Унинг орқасидан танланган антибиотикнинг битта дозаси 50 мл 0,5% новокаин эритмасида эритилиб, секин томчилаб юборилган. Эндомезентериал катетер операциядан кейин 6-кунда олинган.


Диссертациянинг тўртинчи боби «Хусусий тадқиқотлар: клиник ва экспериментал тадқиқотлардан олинган натижаларини таҳлил қилиш» деб номланган бўлиб, бу бобда беморларни операциядан кейинги даврда комплекс даволашдаги лимфотроп терапия ва экспериментал тадқиқот натижалари келтирилган.

Экспериментал тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ярали колит моделида ичак тутқичи лимфа тизимидаги ўзгаришлар - лимфа оқимининг меъёрий ҳолатидан икки баравар ва ундан ортиқ вақтга секинлашуви аниқланди. Ичак девори ва унинг тутқичидаги яллиғланиш туфайли лимфа дренаж тизимидаги секинлашиш жараёни хужайралараро шиш пайдо бўлишига олиб келади ва бу операциядан кейинги давр дастлабки асоратланишларнинг ривожланишига сабабчи бўлади.

Тадқиқотда иштирок этган барча беморлар колопракология бўлимига хос бўлган беморлар бўлиб, уларни жинси бўйича қиёсий таҳлилни ўтказганда носпецифик ярали колит билан касалланиш даражаси бўйича аёллар эркакларга нисбатан кўпроқ эканлиги аниқланган: аёллар - 49 (51,6%), эркаклар эса 46 (48,2%). Ушбу кўрсаткич адабиёт маълумотлари билан тўғри келади (Каплан Г.Г. ва ҳаммуалл. 2012).


Носпецифик ярали колитнинг оғир шакли билан оғриган беморни қабул қилишда яллиғланиш жараёни фаоллигини инструментал диагностика қилишнинг асосий усуллари колоноскопия ва йўғон ичакнинг ультратовуш текшируви ҳисобланади. Эндоскопик текширув маълумотларига кўра, 91,7% ҳолатда йўғон ичакнинг тотал яллиғланиши, 8,3% чап томонлама яллиғланиши аниқланган. Беморларнинг 71,2%да яллиғланишнинг фаол шакли, 23,9%да ўртача фаол шакли аниқланган. Беморларнинг 4,9%да яллиғланиш даражаси минимал деб топилган. Клиник ва инструментал текширувлар асосида, носпецифик ярали колитнинг фаоллик даражасига кўра: 60,1% беморларда касалликнинг оғир шакли, 39,9% ҳолатда ўрта оғир шакли аниқланди. Жами беморларнинг 74,2 % ида касалхонага ётқизилган вақтдаги аҳволи ўртача оғир, 25,8%ида эса аҳволи оғир бўлган.

Операциядан кейинги даврда кузатилиши мумкин бўлган асоратлар патогенетик механизмининг маълум бир қисмига эндомезентериал лимфотроп терапиянинг мақсадли таъсири аниқланган. Лимфотроп терапиянинг самарадорлиги ўлароқ, операциядан кейинги даврда ичак фаолиятининг эрта тикланиши кузатилган (1-расм).



1-расм. Операциядан кейинги даврда ошқозон-ичак тракти фаолиятининг тикланиш динамикаси (ичак перисталтикасининг кунга нисбатан % да тикланиши).

Назорат ва асосий гуруҳ беморларининг операциядан кейинги даврда қорин бўшлиғидан суюқлик (мл.да) чиқишини қиёсий жиҳатдан солиштирганда, бу кўрсаткич асосий гуруҳ беморларида қисқа вақтда камайганлиги аниқланган, яъни ижобий натижа олинган (2-расм).



2-расм. Операциядан кейинги даврда қорин бўшлиғидан суюқликни (мл.да) чиқиш динамикаси.

Қиёсий назорат гуруҳидаги беморларда бу кўрсаткичлар сустр бўлган: ичак перисталтикаси операциядан кейинги учинчи кунда пайдо бўлган; юқори ёки субфебрил ҳарорат 4 ± 1 кун давомида сақланган; қорин бўшлиғидан суюқликни чиқиш юқори кўрсаткичларда сақланиб турган; асосий гуруҳ беморларида касалхонада ётиш (ётиш кунлари) $7 \pm 1,5$ кунни ва назорат гуруҳида $10 \pm 1,5$ кунни ташкил этган.

Шунга қарамай, операциядан кейинги даврда асоратлар кузатилган (11-жадвал).

11-жадвал

Операциядан кейинги даврда кузатилган асоратлар

Операциядан кейинги асоратлар	Асосий гуруҳ		Назорат гуруҳи	
	сон	%	сон	%
Анастомоз чокларидаги етишмовчилик	1	1,9	2	4,6
Эрта чандиқли ичак тутилиши	1	1,9	1	2,3
Стоманинг жойидан қочиши	0	0	1	2,3
Ичак оқмалари	0	0	1	2,3
Ичакнинг функционал етишмовчилиги	2	3,7	3	6,9
Қорин бўшлиғи абсцесслари	0	0	1	2,3
Операцион жароҳатнинг йиринглаши	1	1,9	2	4,6
Жами:	5	9,2	11	25,6

Бундай асоратланишларнинг келиб чиқишига сабаб: носпецифик ярали колитнинг мураккаб ва оғир шакллари, кахексия, оғир анемия ва бемордаги ҳамроҳ соматик касалликлар. Асоратланишларни қиёсий таққослаганда: назорат гуруҳида 25,6% ва асосий гуруҳ беморларида 9,2%ни ташкил этган. Шуларни эътиборга олган ҳолда айтиш мумкинки, операциядан кейинги даврда эндомезентериал лимфотроп терапияни қўллаш асосий гуруҳдаги беморларнинг аҳолини назорат гуруҳидагиларга нисбатан сезиларли даражада яхшилашга имкон берган.

Юқоридагиларга асосланиб, носпецифик ярали колитни комплекс хирургик даволаш алгоритми таклиф қилинган (12-жадвал).

12-жадвал

Носпецифик ярали колитни комплекс хирургик даволаш алгоритми

Операция олди текширишлар		
Клиник кўрув	а) бемор шикоятлари	
	б) касаллик анамнези	
	в) физикал текширув усуллари	
	г) тўғри ичакни бармоқ билан текшириш	
Инструментал текшириш усуллари	а) колоноскопия	
	б) ирригография	
	в) ректоромоноскопия	
	г) УТТ	
	д) ФЭГДС	
Лаборатор текшириш усуллари	е) патоморфологик текширувлар	
	а) умумий қон таҳлили	
	б) умумий сийдик таҳлили	
	в) қоннинг биокимёвий таҳлили	
	г) копрологик текширув	
	Операция олди тайёрлаш	
	Операция олди консерватив терапия	а) фаол жараённи бартараф қилиш мақсадида
б) зарурият бўлганда плазмо- ёки гемотрансфузияни қўллаш		
в) антибиотикопрофилактика		
Диетотерапия		
Операция (дифференциал ёндашув)		
Чап томонлама гемиколэктомия	а) колостома	
	б) йўғон ичак тутқичи катетеризацияси (лимфотроп терапия кунига 1 маҳал қўлланилади, 4-5 кун давомида)	
	в) ичак бутунлигини тиклаш учун тўғри	

	ичакни тайёрлаш
Ўнг томонлама гемиколэктомия	а) илеотрансверзоанастомоз қўйиш
	б) йўғон ичак тутқичи катетеризацияси (лимфотроп терапия кунига 1маҳал қўлланилади, 4-5 кун давомида)
Субтотал колэктомия	а) колостома
	б) ингичка ичак тутқичи катетеризацияси (лимфотроп терапия кунига 2маҳал қўлланилади, 4-5 кун давомида)
Тотал колэктомия	а) илеостома қўйиш
	б) ингичка ичак тутқичи катетеризацияси (лимфотроп терапия кунига 2маҳал қўлланилади, 4-5 кун давомида)
Операциядан кейинги даво чоралари	
А) Операциядан кейинги асоратларнинг олдини олиш учун комплекс даволашда лимфотроп терапияни қўллаш	
Б) Организм фаолиятини тиклаш учун умумий мустаҳкамловчи даво чораларини қўллаш	
Реабилитация даври	
А) Операциядан кейинги яқин даврда бемор аҳволини назорат қилиш	
Б) Операциядан кейинги узоқ даврда бемор аҳволини назорат қилиш	
В) Зарурият бўлганда бирламчи стомани бартароф қилиш	

ХУЛОСАЛАР

«Носпецифик ярали колитда жарроҳлик амалиётидан кейинги даврдаги комплекс лимфа терапия» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилган:

1. Экспериментал тадқиқотлар шуни кўрсатдики, меъёрий шароитда ичак тутқичининг турли қисмлари ва ичак деворининг субсероз қисми лимфа тизимидаги оқим тезлиги бир хил бўлмасдан, бу оқим ярали колит моделида меъёрий ҳолатдагига нисбатан икки ва ундан ортиқ марта кескин секинлашганлиги аниқланди.

2. Тажрибаости ҳайвонларида, экспериментда, 6% ва 7,5% ли сирка кислотасини тўғри ичак орқали йўғон ичакка юбориб, ярали колит моделини чақириш ҳар томонлама мақбул ҳисобланади. Айниқса, сирка кислотасининг 7,5% эритмасидан фойдаланган ҳолда чақирилган ярали колит модели клиник жиҳатдан носпецифик ярали колитга жуда яқин эканлиги клиник ва гистоморфологик жиҳатдан аниқланди.

3. Операциядан кейинги даврда носпецифик яралли колитни комплекс даволашда лимфотроп терапияни қўллаш даволаш натижаларига ижобий таъсир кўрсатиши, яъни лимфа йўлларида лимфа оқимини тезлаштириши ва ичак лимфа тизимидаги босимни камайтириши, ривожланиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олиши аниқланди.

4. Ўтказилган тадқиқотлардан келиб чиқадиган қиёсий таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, носпецифик яралли колит билан беморларни даволашда таклиф қилинган операциядан кейинги давр комплекс даволаш жараёнида лимфотроп терапияни қўллаш жуда оддий, мақбул ва самарали усулдир: даволаш учун моддий харажатлар сезиларли даражада камайиши; беморнинг касалхонада қолиши, яъни ётоқ кунлар сони $2,0 \pm 0,5$ кунга қисқариши; антибиотикларнинг ножўя таъсири кузатилмаслиги; операциядан кейинги асоратларнинг кескин камайиши аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc/PhD.04/30.12.2019. Тiв.93.01 ПРИ БУХАРСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

РУЗИЕВ АХТАМ ЭРГАШОВИЧ

**КОМПЛЕКСНАЯ ЛИМФАТИЧЕСКАЯ ТЕРАПИЯ ПРИ
НЕСПЕЦИФИЧЕСКОМ ЯЗВЕННОМ КОЛИТЕ
В ПОСЛЕОПЕРАЦИОННОМ ПЕРИОДЕ**

14.00.27 – Хирургия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в высшей аттестационной комиссии при кабинете министров республики Узбекистан за № В2019.2.PhD/Tib987

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте и Андижанском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации выполнен на трех языках (узбекский, русский, английский), и размещен на веб-странице научного совета (www.bsmi.uz), и на информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель	Эгамов Юлдашали Сулайманович доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты	Земляной Вячеслав Петрович доктор медицинских наук, профессор (Российская Федерация) Лигай Руслан Ефимович доктор медицинских наук
Ведущая организация	Московский государственный медико-стоматологический университет (Российская Федерация)

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 г. в ____ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, г.Бухара, ул. А.Навоий № 1. Тел./факс: (+99865) 223-00-50) e-mail:buhme@mail.ru.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за №____). Адрес: 200118, г.Бухара, ул. А.Навоий 1, Тел./факс: (+99865) 223-00-50).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 года
(реестр протокола рассылки №__ от _____ 2021 года)

А.Ш. Иноятов

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.Н. Ачилова

Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор философии (PhD) по медицинским наукам

Н.А. Нуралиев

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной Организации Здравоохранения «...заболеваемость неспецифическим язвенным колитом составляет 50 - 80 человек на 100000 населения. Пик заболеваемости приходится на пациентов в возрасте от 20 до 40 лет»¹. Рост распространенности воспалительных заболеваний толстой кишки в настоящее время опережает развитие и совершенствование специализированной помощи этой категории больных, в том числе и больных с неспецифическим язвенным колитом. Это заболевание может стать причиной развития различных системных токсических реакций организма, которые и являются способствующими фатальному исходу при такой грозной патологии. Поэтому повышение эффективности лечения неспецифического язвенного колита, в послеоперационном периоде применяя лимфатические методы, являются востребованными временем.

В мировой практике в настоящее время наиболее актуальными исследованиями продолжают оставаться изучение толстокишечной патофизиологии и патогенетические механизмы возникновения воспалительных заболеваний кишечника, среди которых особое внимание уделяется неспецифическому язвенному колиту, который может приводить к прогрессированию системных токсических реакций и развитию кишечных осложнений: кровотечения, токсической дилатации и перфорации кишечника. В связи с этим поиск и применение наиболее эффективных – лимфатических методов лечения в послеоперационном периоде при неспецифическом язвенном колите остается одним из приоритетных направлений данной сфере.

В настоящее время в нашей стране принимаются масштабные адресные меры по кардинальному повышению качества и значительному расширению спектра оказываемой населению медицинской помощи. Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы ставит задачи по «...уязвимым слоям населения, развивать и совершенствовать систему медико-социальной помощи для улучшения их образа жизни»². В этом направлении достигнуты положительные результаты, особенно в повышении качества лечения пациентов с неспецифическим язвенным колитом, с применением множества новых хирургических и консервативных методов лечения. Однако для совершенствования системы оказания медицинской помощи необходимы научно обоснованные результаты для оценки эффективности новых методов консервативного и хирургического лечения неспецифического язвенного колита, что является важной проблемой для специалистов в данной области.

¹ Ватутин Н.Т., Шевелёк А.Н., Карапыш В.А., Василенко И.В. Неспецифический язвенный колит // Архивь внутренней медицины. – 2015. – № 4(24). – С.62-65.

² Указ Президента РУз от 07.02.2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Сборник законодательных актов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных Указом Президента Республики Узбекистан «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» за №УП-5590 от 7 декабря 2018 года и «О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых в системе здравоохранения реформ» за №УП-6110 от 12 ноября 2020 года, Постановлением Президента Республики Узбекистан «О дополнительной мерах по обеспечению общественного здоровья путем дальнейшего повышения эффективности работ по медицинской профилактике» за №ПП-4891 от 12 ноября 2020 года, а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Воспалительные заболевания кишечника, в том числе неспецифический язвенный колит, продолжают оставаться одними из самых актуальных проблем в абдоминальной хирургии. Согласно современным данным, неспецифическим язвенным колитом болеют приблизительно 0,3–0,4 % всей популяции (Ивашкин В.Т., 2017). Из них оперируемых пациентов составляет до 10-30% и имеет тенденцию к росту (Исаханов Г.И., 2020).

“Медикаментозная резистентность”, которую наблюдают при различных неспецифических воспалительных заболеваниях с аутоиммунным компонентом, у больных язвенным колитом может иметь фатальные последствия (Тимербулатов М.В., 2013). Поэтому увеличение заболеваемости язвенным колитом неизбежно приводит к нарастанию абсолютного числа больных, нуждающихся в операции.

До настоящего времени частота ранних послеоперационных осложнений при плановых вмешательствах неспецифического язвенного колита доходит до 10 %, при экстренных - до 60 - 80 %, а летальность колеблется от 12 % до 50 % (Наврузов С.Н.2018). В этой связи, важное практическое значение имеет повышение эффективности проводимой терапии включая новые методы в комплексе лечения неспецифического язвенного колита.

Неослабевающий интерес к этим заболеваниям обусловлен ещё чрезвычайной тяжестью клинических проявлений, неудовлетворительными результатами консервативного и оперативного лечения. Несмотря на то что, клиничко-морфологические признаки неспецифического язвенного колита достаточно хорошо изучены и подробно освещены в литературе, многие вопросы этиологии и патогенеза а также этиопатогенетического лечения

этого заболевания до настоящего времени остаются неясными (Ивашкин В.Т., 2017; Наврузов С.Н. 2018).

Доказано, что одним из способов повышения эффективности антибиотикотерапии и коррекции иммунитета является введение препаратов в лимфатическую систему (Джумабоев С.У. 1987). Однако при НЯК эндолимфатическая терапия применялась в единичных случаях и только при осложнениях (Эмирасланов Ф.Л., 2017).

Решению поставленных вопросов и посвящено данное исследование.

Связь темы диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ Андижанского государственного медицинского института по теме: «Разработка передовых технологий в диагностике, лечении и профилактике острых хирургических заболеваний органов брюшной полости» (2018-2020 гг).

Целью исследования является улучшение результатов лечения неспецифического язвенного колита, используя лимфологические принципы лечения, направленные на регуляцию регионарного гомеокинеза в брюшной полости методом эндомезентериальной лимфатической лекарственной терапии.

Задачи исследования:

определить особенности регионарного лимфообращения брыжейки кишечника в норме на эксперименте у подопытных животных;

разработать модель язвенного колита на эксперименте у подопытных животных;

определить особенности изменения регионарного лимфообращения в кишечнике при созданной модели язвенного колита и при этом оценить эффективность лимфотропной терапии;

определить эффективность эндомезентериальной лимфотропной терапии в сравнительном аспекте сопоставляемых групп больных с НЯК в послеоперационном периоде.

